


**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Сирдарё вилояти ҳокими  
ўринбосари   
Ғ.Сулейманов

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2016й.

Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек аризаларни қабул қилишни ташкил қилиш интерактив хизмати регламенти

**Интерактив хизмат номи:**

Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек аризаларни қабул қилишни ташкил қилиш интерактив хизмати

**Хизмат ҳақида:**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

**Хизматнинг соҳага тегишлилиги:**

Барча соҳалар учун.

**Хизматдан фойдаланувчининг тоифаси:**

Жисмоний ва юридик шахслар.

**Боғланиш:**

Сирдарё вилоят ҳокимлиги

**Хизматни кўрсатиш учун керак бўладиган ҳужжатлар сони (нусхалар сони):**

Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак. Ёзма мурожаатларда мурожаат этувчининг имзоси бўлиши лозим. Мурожаатга шахсий имзо қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаатлар уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳам ёзиб қўйилади.

### **Хизматни кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси:**

1. “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (446-П-сон, 2002 йил 13 декабр)
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 181-сон қарори

### **Хизмат нархи ва тўлаш тартиби:**

Фуқароларнинг мурожаатлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда мурожаат киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

### **Натижани олиш усуллари:**

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирадиган давлат органига бевосита ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга берилади. Фуқаро ариза, таклиф ва шикоятни шахсан беришга, шунингдек бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёки мурожаатни алоқа воситалари орқали юборишга ҳақли. Вояга етмаганлар ҳамда муомалага лаёқатсиз шахслар манфаатларини кўзлаб ариза, таклиф ва шикоят уларнинг вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

### **Хизмат натижаси:**

Фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи унга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

### **Рад этиш шартлари:**

Фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

### **Шикоят аризаси бериш тартиби:**

Ариза ёки шикоят юзасидан қарор қабул қилган давлат органининг мансабдор шахси, агар фуқаро қарорга рози бўлмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартибини тушунтириши шарт.

### Хизматни кўрсатиш тартиби

